МИЛЛИЙ ҒОЯ - ВАТАНИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСИ

К.А.ЮНУСОВ

Статья посвящена вопросам методологии изучения истории Узбекистана. Обосновывается необходимость и правомерность рассмотрения национальной идеи как методологической основы изучения истории отечества, что подразумевает оценку как исторических событий, так и деятельность отдельных исторических личностей, исходя из их значения и роли в национальном развитии.

The article is devoted to the problems of methodology in the process of studying the History of Uzbekistan. The author states the necessity and rightfulness of dealing with national idea as the main methodological basis for studying the History of our country. It means that estimation of historical events as well as the activities of definite historical personalities taking into consideration the importance and their role in the process of national development.

Ҳар бир фан ўзининг илмий тушунчаларига, усулларига, услубиётига ва назарий-методологик асосларига эга бўлади. Шу жумладан, тарих фанлари ҳам бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар қаторида ўзининг муайян усуллари, услубиёти ва назарий-методологик асосларига эга. Ватанимиз тарихини, ўтмиш тарихимизда кечган муҳим воқеа ва ҳодисаларни ўрганишда аниқ илмий-назарий концепцияларга, таълимотларга ҳамда методологияга асосланган ҳолда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш талаб этилади. Акс ҳолда, тарихий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар нохолис, тарихий ҳақиқатга зид талқин этилиши, уларнинг асл моҳияти бузиб кўрсатилиши мумкин. Бу эса миллатимиз, Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида тутган мавқеига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Фикримизга мисол сифатида яқин ўтмишимизда, 73 йил ҳукмронлик қилган Шўролар тузуми даврида, миллатимиз тарихининг сохталаштирилганини келтиришимиз мумкин.

Шўролар тузуми даврида ижтимоий ҳаёт воқелиги диалектик материализм ва тарихий материализм назарий концепциясига асосланган ҳолда ўрганилди. Бу концепцияларни ўзида ифодалаган марксизм-ленинизм таълимоти инсоният тараққиётини фақат синфий кураш ва социал инқилоблар орқалигина ривожлантириш мумкинлигини асослашга уринди. Бунинг оқибатида Ватанимиз тарихи умуминсоний қадриятларга ва миллий манфаатларимизга зид бўлган назарий-методологик асосда ўрганилди. Бундай ёндашув ўтмиш тарихимизни миллий манфаатларимизга зид, нохолис ёритилишига, унинг сохталашувига олиб келди.

Инсоният цивилизацияси, муайян халқ, миллат ва давлат тарихий ривожланиш давомида ўзига хос тарихий босқичларни босиб ўтган. Мазкур босқичларни ўзаро бир-биридан фарқловчи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлардан ўзига хос бўлган хусусиятлар, тенденциялар, қонуниятлар ажратиб туради. Бу қонуниятлар – тарихий жараёнда амал қиладиган функционал ва ривожланиш қонуниятлардир. Ана шу тарих қонуниятларини тўғри англаш, уларга амал қилган ҳолда тарихий воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш ҳамда уларни ёритиш талаб этилади. Акс холда, тарихий воқелик турли субъектив, волюнтаристик қарашлар синтезидан иборат сохта тафсилотлар йиғиндиси бўлиб қолиши турган гап.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаб айтадики: “Тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор”[1.117]. Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай тарихий воқеа ва ҳодисалар қайси миллат ва давлат тарихига тегишли ва қайси тарихий даврга хос бўлмасин, уларни муайян назарий-методологик жиҳатдан асослаш лозим бўлади. Ўзаро узвий боғлиқ бўлган ҳар қандай назарий концепция ва методологиянинг ҳаққонийлиги ва ҳаётийлиги, уларнинг умуминсоний қадриятларга, айрим олинган давлат ва миллат ҳамда инсоният манфаатларига, тараққиётига нечоғли мос келиши, уларни ўзида ифодалаши билан белгиланади.

Шунингдек, ҳар қайси миллат тарихида асрлар давомида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос миллий ғоявий тамойиллар мавжуд бўлади. Миллий ғурур, миллий манфаат, ватанпарварлик, миллатпарварлик, юртпарварлик, эл-юрт дарди билан яшаш, фидойилик, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун

қайғуриш каби юксак маънавий-ахлоқий тамойиллар шулар жумласидандир. Бу тамойиллар, айниқса, юрт бошига оғир синовлар тушган пайтда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Фикримизга тарихимиздан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Торобий, Темур Малик, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби минглаб тарихий шахслар сиймосида, уларнинг ҳаётий фаолиятини, бизларга қолдирган меросини ўрганиш орқали юқоридаги фикримизга жавоб топамиз.

Табиатда ҳам, жамиятда ҳам ўзини-ўзи қайта тиклаш, ривожланиш қонунияти амал қилади. Табиатдагидан фарқ қилиб, жамиятдаги ўзини ўзи тиклаш қонунияти ўзига хос тарзда кечади. Ўтмишда яшаб ўтган айрим тарихий шахслар, сиёсий гуруҳларнинг давлатни бошқаришда йўл қўйган қўпол хатолари мудҳиш оқибатларга, минглаб, ҳаттоки миллионлаб кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келган. Фикримизга мисол сифатида немис фашизми йўлбошчиси Адольф Гитлер, большевизм йўлбошчиси Владимир Ульянов Ленин, ўтган асрнинг 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошларида Камбоджа давлатида ҳукмронлик қилган Пол Пота каби шахсларни келтиришимиз мумкин. Улар томонидан илгари сурилган вайронкор ғояларнинг ҳаётга жорий қилиниши оқибатида миллионлаб бегунох кишилар қурбон бўлди ва кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликлар амалга оширилди. Бундай ёвузликлар оқибатида издан чиққан, вайрон қилинган мамлакат, миллат ва жамият ҳаёти давр ўтиши билан қайтадан ўзини ўзи тиклади. Аммо бу тикланиш даври узоққа чўзилди ва халқ учун жуда қимматга тушди. Қўшни давлат – Қирғизистонда яқин йилларда (2005-2010 йиллар) содир бўлган мудҳиш сиёсий воқеалар ва унда давлат раҳбарларининг йўл қўйган сиёсий хатолари, бунинг оқибатида оддий халқ бошига оғир кулфатлар келтирилганлиги каби ҳаётий мисоллар фикримизга далил бўла олади.

Жамият ҳаётини қайта қуришда тарих саҳнасига чиққан ижобий аҳамиятга эга бўлган тарихий шахснинг роли беқиёс даражада катта бўлади. Фикримизга тарихдан ва бугунги кунимиздан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Мавоноуннахр тарихида, XIII асрда Муҳаммад Хоразмшох йўл қўйган мудҳиш хато туфайли Чингизхон бошчилигидаги мўғул босқинчилари томонидан кўхна заминимиз истило қилиниб, Турон замин мўғулларнинг қарийиб 150 йиллик истибдоди остида қолган. Аждодларимизнинг мўғул босқинчилари зулмидан озод бўлишида Сохибқирон Амир Темур бобомизнинг буюк тарихий миссияни бажарди. XIX аср 60-йилларида Қўқон хонлиги, Хоразм хонлиги ва Бухоро амирликлари хукмдорларининг ўзаро ноаҳилликлари ҳамда давлат бошқарувида йўл қўйган қўпол хатолари оқибатида Туркистоннинг Чор Россияси мустамлакасига тушиб қолишига олиб келди. “XIX асрдаги чоризм истилоси кўпгина сабаблар билан бир қаторда авваламбор ўша пайтда мавжуд бўлган сиёсий бошбошдоқлик, ҳукмрон кучларнинг узоқни кўролмаслиги, маънавий заифлиги оқибатида рўй берганини тарихий мисоллар исботлаб турибди” [2.52].

Халқимизнинг 130 йиллик қарамликдан сўнг миллий мустақилликка эришиши ва Ўзбекистоннинг бугунги кунда гуллаб яшнаши, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда, юртимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалиб боришида муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг улкан ҳиссаси бордир.

Мозийда яшаб ўтган, халқ наздида ва тарихда салбий роль ўйнаган аксари тарихий шахслар, ҳукмдорлар ва сиёсий гуруҳларнинг йўл қўйган энг катта хатоси ва халқ томонидан тавқи-ланатга учратган нарса шундан иборатки, улар ўз даврида амал қилган объектив тарихий қонуниятни англамай йўл тутганлар, англасалар ҳам, уларга беписандлик билан қараб, ўзларининг субъектив, волюнтаристик қарашлари асосида иш юритганлар. Бундай шахслар тарихий жараённи ўзларининг субъектив иродасига бўйсундирмоқчи, иродаси билан ўзгартирмоқчи бўлганлар. Бундай хатти-ҳаракатларнинг натижаси эса мамлакатнинг вайрон этилиши, миллионлаб кишиларнинг қурбон бўлиши, юртнинг таназзулга юз тутиши билан якунланган. Жамият, алоҳида олинган мамлакат ўзини-ўзи тиклаши, янгилаши, вайронгарчиликнинг оғир асоратидан халос бўлиши учун эса ўнлаб йиллар керак бўлди.

Ўтмишда давлат раҳбарлари сифатида фаолият кўрсатган тарихий шахслар (Владимир Ульянов, Иосиф Жугашвили, Адольф Гитлер, Пол Пота, Мао Цзе Дун, Н.С.Хрушчёв, Л.И.Брежнев (давлат бошлиғи бўлган даврда Афғонистонга Шўро давлати қўшинларининг киритилиши ва бунинг оқибатида минглаб бегуноҳ йигитларнинг нобуд бўлишига йўл қўйганлиги) М.С.Горбачев кабилар кучли интеллектуал қобилиятга, салоҳиятга эга бўлсалар-да, уларнинг волюнтаристик қарашлари, амалга оширмоқчи бўлган субъектив, илмий жиҳатдан асосланмаган, ҳаттоки ёвуз ва бузғунчи ғоялари тарихий тараққиётнинг объектив

қонуниятларига, умуминсоний ва миллий қадриятларга зид бўлгани, юксак маънавий асосларга эга бўлмагани учун ҳам таназзулга учради ва инсоният ҳамда ўзлари идора этган халқлар бошига кулфатлар келтирди.

Илмий жиҳатдан пухта асосланган назарий концепция нафақат муайян фаннинг ривожланишига, балки бутун бир ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатади. Ёки аксинча, илмий жиҳатдан пухта асосланмаган, умуминсоний ва миллий қадриятларга зид келадиган ҳар қандай субъектив қараш, бузғунчи ғоя ҳаётга жорий қилинса, бунинг оқибати ўша халқ, миллат ва мамлакат, хаттоки башарият учун ҳам ҳалокатли оқибатларга олиб келади.

Фикримизга мисол сифатида ўтган асрнинг 20-йиллари охирида Европада пайдо бўлган фашизм номли бузғунчи ғояни келтиришимиз мумкин.

Бу ғоя XX асрнинг 30-йилларида Германия ижтимоий-сиёсий тузумининг асосий концепцияси сифатида амал қилди. Бунинг оқибатида ўн миллиондан зиёд немислар ва ер юзидан 60 миллиондан ортиқ аҳоли иккинчи жаҳон урушида қирилиб кетди. Ёвузликка асосланган бундай сиёсий тартибот нафақат немис халқи, балки дунё халқлари бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатлар келтирди. Яна бир мисол: 73 йил давомида ҳукм сурган Шўролар давлати ҳар қандай миллий, диний, умуминсоний ва хусусий мулкчилик билан боғлиқ қадриятларга зид бўлган қарашларни, ғояларни ўзида ифодалаган таълимотга асосланган учун ҳам тарихий давр, вақт синовларига дош беролмай барбод бўлди.

Миллий ғоя ва унинг асосий тамойиллари, Ватанимиз тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асосини ташкил қилади. Шунинг баробарида, миллий ғоя ва унинг асосий тамойиллари айрим олинган тарихий воқеа-ҳодисалар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти, уларнинг қарашларини таҳлил қилишнинг ҳам методологик негизини ташкил этмоғи лозим. Ҳар қандай тарихий воқеликни тадқиқ қилиш эса у ёки бу жиҳатдан инсон моҳиятини, инсоннинг табиат ва жамиятдаги фаолиятини ўзида мужассам этган бўлади. Шундай экан, миллий ғоя – мамлакатимиз, халқимиз тарихий тараққиётини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асосларидан бири эканлиги муқаррардир.

“Агар биз дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, - деб таъкидлайди Юртбошимиз Ислом Каримов, - бошқа халқлар ҳам озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш, миллий тикланиш, ўз давлатчилигини, ҳавас қилса арзийдиган фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнида ана шундай фазилатларга таяниб ва суяниб, барча соҳаларда – бу иқтисодиёт ёки ижтимоий ҳаёт бўладими, маданият, таълим-тарбия ва илм-фан бўладими – ўзининг беқиёс ички қобилият ва салоҳиятини ишга солиш, уни рўёбга чиқариш ҳисобидан тараққиётга эришганини кўрамиз”[2.26].

Ҳозирда юксак ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига эришган Ғарб давлатлари ҳам, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия, Хитой каби юксалиб бораётган Шарқ давлатларининг ривожланиши ҳам муайян бир ғояга асосланганлиги сир эмас. Ушбу давлатларнинг тарихий ривожланишига бир назар солинса, уларда амалга оширилган ҳар қандай йирик ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар таг заминида, шу давлатларда яшовчи миллат ва фуқаролар манфаатларини ўзида мужассамлаштирган муайян миллий ғояни кўриш мумкин. Юқорида номлари келтирилган мамлакатларда миллий ғоя оддий фуқаро ва миллат онги ҳамда қалбига шу қадар чуқур сингдирилганки, бу ғоя уларнинг ҳаёт тарзи, мазмун-моҳиятининг асосини ташкил қилади.

Миллий ғоя ва унинг асосий тамойиллари – Ватанимиз тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асосини ташкил қилишига ёрқин мисол сифатида муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мус-тақилликка эришиш остонасида" китобини келтиришимиз мумкин. Китобда яқин ўтмишимизда – миллий мустақилликка эришиш арафасида ва мустақиллигимизнинг дастлабки даврида юз берган тарихий воқеа-ҳодисалар, миллий истиқлол ғояси назарий концепцияси ва методологиясига асосланган ҳолда баён этилган.

Китобга киритилган маъруза ва нутқларда совет давлати ҳали ўзининг ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этаётган, „пахта иши" деган тухмат, сунъий равишда ўйлаб топилган сиёсий компания пайтида қанчадан-қанча одамлар ноҳақ қамалган, тазйиқ ва таъқибларга учраган, халқимиз ўртасида тушкунлик, эртанги кунга ишончсизлик кайфияти, қўрқув ва ваҳима кенг тарқалган бир пайтда – ана шундай ўта оғир, умумий инқироз ҳаётнинг ҳамма соҳаларини тўлиқ қамраб олган таҳликали шароитда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг мустақилликка эришиш масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйганини аниқ тарихий ҳужжатлар орқали кўрсатилган, бу йўлда қандай улкан тарихий ишлар амалга оширилгани баён қилинган. Ушбу китоб ўша давр ҳақида ўқувчилар, айниқса, кечаги тарихимизни, мустабид тузум давридаги зулм ва адолатсиз-

ликни ўз кўзи билан кўрмаган ёшларга муҳим тарихий маълумотларни, миллий ғоя назарий-методологик тамойили асосида етказади. ”[4.3].

Китобдан жой олган материаллар собиқ Марказдаги империяпараст кучлар, мустабид тузумнинг шафқатсиз қатағон аппарати Ўзбекистон ва унинг янги раҳбарига нисбатан турли зуғум ва тазйикларни тинимсиз кучайтириб борганини тарихий далиллар асосида ёритиб беради. “Пахта иши”, “ўзбеклар иши” деган сиёсий кампаниялар пайтида қизил империянинг марказий матбуоти эл-юртимиз шаънини таҳқирлаб, унинг бошига “қўшиб ёзиш”, “юлғичлик”, “кўзбўямачилик”, “боқимандалик” каби туҳмат ва маломатлар бўронини ёғдиргани ҳақидаги саҳифалар чуқур алам ва изтироб билан ўқилади. Шундай таҳликали пайтларда халқ дардига дармон бўлиш ўрнига собиқ Марказнинг ноғорасига ўинаган, мустақиллик ғоясини ниқоб қилиб, аслида ана шу муқаддас интилишга қарши чиққан кимсалар, дунёвий ва диний кўринишдаги радикал сиёсий гуруҳ ва оқимларга қарши Ислом Каримовнинг қандай катта жасорат, сиёсий вазминлик билан кураш олиб боргани, эл-юртимизга суяниб, унинг қалбига йўл топиб, вазиятни ўнглаш, юртимизни ҳалокатли инқироз гирдобидан олиб чиқиш, истиқлол сари бошлаш бўйича қатъий чора ва тадбирлар, чуқур ислоҳотларни амалга оширгани ва, ниҳоят, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилгани ушбу китобнинг энг драматик, энг ҳаяжонли саҳифаларини ташкил этади. ”[4.5].

Китобдан жой олган, 1989 йил 28 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувида Юртбошимизнинг “Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик” мавзусида қилган маърузасида: “Жамиятшунослар Ўзбекистон тарихининг кўпгина саҳифаларини қайта битишлари, чунончи, чоризм йилларида Ўрта Осиё хақларининг миллий озодлик ҳаракати, 1920-1930 йиллардаги адабий-ғоявий жараёнлар, коллективлаштириш ва бошқа ҳодисаларга ҳужжатлар асосида назар солишлари керак. Беҳбудий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат ва бошқаларнинг ижоди ва дунёқарашини ҳам теран ва холис тадқиқ этиш зарур бўлади. Ўзбекистон Компартиясининг тарихи ҳам ўз тадқиқотчиларига мунтазир бўлиб турибди” ”[3.91.], - деб айтган фикрлари билан, ўтмиш тарихимизни миллий ғояга асосланган бутунлай янгича назарий концепция ва мето дология бўйича қайтадан кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатиб берди.

Назарий ва амалий жиҳатдан катта тайёргарликни, улкан сиёсий тафаккур ва донишмандликни, бой ҳаётий билим ва тажрибаларни талаб қиладиган бундай мураккаб мавзунинг айнан истиқлолимиз меъмори, мустақил давлатимиз асосчиси, ўша пайтда юз берган ижтимоий жараёнларнинг асосий марказида турган, уларнинг барчасини ўз қалби ва юрагидан ўтказган инсон – Юртбошимиз томонидан ноёб тарихий ҳужжатлар ва теран таҳлил асосида ёритиб берилиши юқорида баён қилган фикримизга ёрқин далил бўлади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Миллий ғоя ва унинг асосий тамойиллари – Ватанимиз тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асосини ташкил этади. Қарийб уч минг йиллик давлатчилик тарихимизни ўрганишда, тадқиқ этиш жараёнида бу тамойиллар гўёки қизил чизиқ бўлиб ўтиши лозим.
2. Ватанимизнинг энг янги тарихи – мустақиллик даври тарихини миллий ғоя тамойиллари асосида чуқур тадқиқ этиш, улардан зарур хулосалар чиқариш, ўз навбатида келгусидаги юксалишимиз учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.
3. Ўтмиш тарихимизда кечган воқеа ва ҳодисаларни, тарихий ва таниқли шахслар ҳаёти ва фаолиятини миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилишда уларнинг Ватанимиз, халқимиз ҳаётида, юксалишида қандай аҳамият касб этганлигига қараб баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.
4. Бугунги кун ҳаётимизда, атрофимизда, қўшни давлатларда ҳамда дунё миқёсида кечаётган воқеа-ҳодисаларни хушёрлик билан кузатиб бориш, улардан хабардор бўлиш билан бирга, бу воқеалар ҳаётимизга, эртанги кунимизга, тараққиётимизга қандай таъсир кўрсатади, уларнинг оқибати нималарга олиб боради, деган саволларга жавоб топа олишимиз зарур.
5. Андижон тарихини яратишда ҳам миллий ғоя ва унинг асосий тамойилларига назарий-методологик асос сифатида алоҳида эътибор қаратмоқ жоиз. Бундай ёндашув турли даврларда кечган тарихий воқеа-ҳодисаларга объектив баҳо бериш, тарихий ҳақиқатни ёритишда муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Асарлар тўплами. 14 том. – Т.: Ўзбекистон, 2006

2. Каримов И . Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
3. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. –Т.: “O’qituvchi, 2012

Андижон давлат университети,
2012 йил 15 октябрда қабул қилинган